*Қаҳрамонлар орамизда*

# ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Ёқит момо ўша тунни уйқусиз ўтказди. Тонг отиши билан ўғли ишлаётган 19-автобаза раҳбарларига учрашди:

— Хавотирланманг, момо, ёлғиз эмас, тўрт азамат йигит билан Юмуртовдан шағал тош олиб келиш учун юбордик. Ўғлингиз эпчилгина йигит, ҳали замон шу ерда бўлишади.

Тушдан кейин қайтган ҳайдовчиларни кутиб олишга чиққан автобаза директори Собирга:

— Онанг безовта бўляптилар, тошни тушир-да, зудлик билан уйингга бор. Бундан кейин сафарга чиққанингда онанг дуосини ол, — деб тайинлади.

Ўша йили Ёқут момо Собирни уйлантирди, элга дастурхон ёзди. Она бора-бора ёлғиз ўғлининг бундай сафарларига кўникиб қолди. Олдин келини, кейинчалик бирин-кетин туғилган неваралари билан овунди. Собир Қуриёзов аввал шаҳардаги йирик қурилишларда, сўнгра вилоятда «Бекобот», «Россия», «Қорақум», Ал-Хоразмий номли хўжаликлардаги аҳоли учун турар-жой қурилишларида фидокорлик кўрсатди. Айниқса, Урганч-Тошкент йўли қурилишида уч ой узлуксиз меҳнат қилди. Онаси ва фарзандларини жуда соғинди. Хайрият, уйига бориб келиши учун унга бир ҳафтага жавоб беришди.

У гўё қанот чиқариб Саримой бекатидан Урганчга қараб йўлга чиқди. Тун яримга яқинлашган пайт эди. Онда-сонда қаршисидан тун зулматини ёриб, шитоб билан келаётган машиналарни айтмаса, ҳамма ёқни зулмат қоплаганди. Лекин йўл тасодифларга бой. У 80 метрлар чамаси юрган ҳам эдики, йўл четида битта чол билан йигитга дуч келди. Йигит машинага қўл кўтарди. Собир КАМАЗини тўхтатди. Етмишларга яқинлашиб қолган чайир гавдали чол Собир билан ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Ўғлим, бир қўллаб юборинг, мушкул аҳволда қолиб кетдик. Чўлга писма (ипак қуртини ухлатадиган гиёҳ) териш учун келган эдик, тракторимиз қумга тиқилиб қолди.

— Қаерда , — сўради Собир.

— Узоқ эмас, ўн километрча келади, бир яхшилик қилинг, болам.

Ўшанда тунги соат иккилар эди. Уйига қанчалар ошиқаётган бўлса-да, Собирнинг виждони уларни шу ҳолатда ташлаб кетишга йўл қўймади. Яримбир соат кечиксам ҳеч нарса қилмайди, деб ўйлади ўзича.

— Қани, ота, чиқинг машинага.

Собир ота-ўғилни кабинага миндирди ва рулни сўқмоққа бурди. Юпқа қум таги қаттиқлиги учун, КАМАЗ қийналмай юриб кетди. Чол айтган масофадан ҳам икки карра кўп йўл юришди. Ниҳоят қопқора қум барханлари устида тунги соқчилардек қаққайиб турган саксовулзор ичида трактор ва унинг писма юкланган прицепи кўринди. Тракторни судраб чиқиш учун етти-саккиз метрча юмшоқ қум устига чиқиш керак эди. Аммо ўйлаб ўтирадиган пайт эмасди. Бундан ташқари Собир табиатида таваккалчилик ҳам йўқ эмасди. У КАМАЗни тислантириб тракторга яқинлаштирди ва трос билан улади. Ҳаммаси машинанинг олдинги ғилдираги тақирга чиқишига уч-тўрт метр чамаси қолганда содир бўлди. КАМАЗнинг орқа ғилдираклари негадир бўш айлана бошлади. Бу ҳолат бориб-бориб яна кучайди. Ғилдираклар тагига саксовул ташланди. Икки соатли уринишлардан сўнг кучанаётган машина моторининг товуши ўчди. Капотни очган Собир карбюраторнинг ёқилғи ўтадиган шлангаси ёрилганини кўриб, лабини тишлади. Энди бу шлангани фақатгина янгисига алмаштириш мумкин эди.

Энди нима бўлади? Хижолатда қолган чолнинг ўғли 50 километр наридаги овулдан сув ва егулик, Собир эса Урганчга бориб, шланга олиб қайтадиган бўлди.

Ҳисоботларда қайд этилмайдиган бундай мисолларни Собирнинг ҳайдовчилик фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Собир ўйлаб қараса, шу давр мобайнида 4 миллион километр йўлни машинада босиб ўтибди. Бу чексиз масофада қанча меҳнат, давлат ва халқ манфаати мужассам. Автобазада унинг сурати илғорлар сафидан тушмади. Айниқса, Туямўйин сув омбори қурилишида у фидойилиги билан касбдошларига ибрат бўлди, ўзига бириктилган машинани яхши сақлагани учун ташаккурнома олди. Шунинг учун ҳам Собир Қурниёзов вазирлик, трест, касаба уюшмалари томонидан кўп марта тақдирланди. Автотрест томонидан беш хонали уй ажратилганидан меҳнат зарбдорининг боши осмонда эди.

Собир ака турмуш ўртоғи Онажон Тожиева билан биргаликда 8 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. «Москвич» машинаси сотиб олди. Айниқса, 80 ёшга тўлган онаси Ёқутой момони шаҳар томошасига олиб чиққанда, унинг дуоларидан боши осмонга етади.

— Собир ака 2534 автожамланмамизнинг энг илғор, тажрибали, эпчил ҳайдовчиларидан бири. Уни март ойида 60 ёшга тўлганини муносиб нишонламоқчимиз, — дейди автожамланма директори Б.Юсупов.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида Собир Қурниёзов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Ҳалол меҳнат қилган элда қадр топади, деб шуни айтадилар-да.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Кўҳна Шаҳрисабзнинг халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг тарихий шаҳарлари рўйхатига киритилганлиги бежиз эмас. Зеро, ота-боболаримиз ақлидроки, қалб қўри билан бунёд бўлган шаҳар обидалари минглаб хорижлик сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда.

**С.ШАВКАТОВ олган сурат.**

*Маданият*

## ЯНГИ СПЕКТАКЛ

Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ҳузурида ташкил этилган «Умид» ёшлар театри эътибор қозонаётган жамоалардан саналади. Турли касб эгаларидан ташкил топган бадиий жамоа янги мавсумни янги асар билан бошлаш учун астойдил ҳаракат қилаётир.

— 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши бизни ҳам ижодий изланишларга ундади. Яхши ниятда мавсумни «Оналар бўзламасин» асари билан бошлашга аҳд қилдик, - дейди жамоа бадиий раҳбари, истеъдодли актёр Зайниддин Каримов.

Гулчеҳра Қўлдошеванинг қаламига мансуб бўлган ушбу асарнинг асосий ғояси терроризмнинг жирканч башарасини фош этишга қаратилган. Спектаклда бош ролларни Нурилло Йўллиев, Телмон Комилов, Роила Ҳамроева, Собир Соҳибов, Аҳад Қосимов каби иқтидорли санъаткорлар ижро этишган.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Дори-дармонлар ҳосил қилиш ва уларни саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институтида бой тажриба тўпланган. Фаолиятнинг бу йўналишли самарадорлигига эришиш мақсадида илмий муассаса ўзининг қўшма корхонасига ҳам эга бўлди.

## МУАССАСАДА ҚЎШМА КОРХОНА

Буюк Британиянинг «Агрант» фирмаси билан ҳамкорликда тузилган мазкур корхона «Биомед-ЛТД» деб номланди. Бу ерда суюқ дориларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, дорилар ишлаб чиқариш бўйича янги бўлимлар ташкил этилди. Улар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан сертификатланди.

Бу эса институтнинг негизида маҳсулотлар турини кўплаб тайёрлаш имконини берди.

Госсиполдан тозаланган пахта кунжараси олиш технологияси яратилмоқда. Жаҳон андозаларига жавоб берувчи тозаланган пахта ёғи олиш, шунингдек, янги хил совун олиш технологияси яратилмоқда.

Металлга ишлов беришда ҳамда темир-бетон буюмларини қуйишда совитувчи восита сифатида ишлатиладиган «Эмульсол» олиш устида изланилмоқда.

**А.АЛИЕВ.**

*XIX қишки Олимпия ўйинлари кундалиги*

## БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Аввалги шарҳларимизда Солт-Лейк-Ситида мезбонлар терма жамоасининг қўли баланд келаётганлигига урғу бериб ўтган эдик. Бироқ Олимпиаданинг сўнгги кунлари океан орти спортчилари учун омадсиз келди. Кутилмаганда Норвегия ва Германия спортчилари юқори поғоналарни эгаллаб олишди. Куни кеча бўлиб ўтган мусобақалар сўнггида Норвегия олимпиячилари 8 та олтин, 5 та кумуш, германияликлар 6 та олтин, 10 та кумуш, 6 та бронза нишонларини ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Шундай қилиб, медал жамғаришда анча вақт етакчилик қилиб келган америкаликлар ҳозирда 18 та медал билан учинчи ўринни банд қилиб турибди. Кейинги ўринда эса Россия терма жамоаси вакиллари: 4 та олтин, 4 та кумуш ва 2 бронза медали. Шунингдек, кучли ўнликдан Италия, Швейцария, Финляндия, Франция, Нидерландия, Канада спортчилари ҳам жой олган. Ҳозиргача медаллар олишга эришган йигирма икки мамлакат олимпиячилари сафида Жанубий Корея (2 та медал, 13-ўрин), Хитой (3 та медал, 15-ўрин), Япония (2 та медал, 21-ўрин), каби қитъамиз вакиллари бор, холос.

Энди Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳамюртларимиз иштироки ҳақида. Маълумки, олти нафар спортчимиз фигурали учиш ва тоғ чанғиси мусобақаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Айни пайтгача вакилларимиз фигурали учиш бўйича жуфтлик ҳамда эркаклар ўртасида яккалик беллашувларида ўз омадларини синаб кўришди. Биринчи бўлиб мусобақага кирган Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги йигирмата жуфтлик орасида ўн саккизинчи ўринни эгаллади. Ўттизга яқин фигурали учиш устаси қатнашган қисқа дастур беллашувларида яна бир спортчимиз Роман Скорняков 20-, эркин дастур баҳсларида эса 19-ўринни эгаллади. Тоғ чанғичиларимиз Элмира ва Комил Урумбоевлар ҳали мусобақаларга киришмаган. Шунингдек, тажрибали спортчимиз Татьяна Малинина ҳам фигурали учиш баҳсларини энди бошлайди.

*Эшитдингизми, ўқидингизми?*

### «СУРХОН»НИНГ ОМАДИ КЕЛДИ

Сўнгги пайтларда футболимиз атрофида тарқаган миш-мишлар исботини топди: ўтган йили миллий чемпионатимизнинг олий табақасида дурустгина иштирок этган «Академия» жамоаси ўрнини «Сурхон» эгаллади. Чунки, таркиб ва маблағ масаласида катта муаммоларга дуч келган «Академия» клуби ўз фаолиятини расман тўхтатишга мажбур бўлди. Мамлакат футбол федерацияси регламентига кўра эса бундай ҳолларда қуйи лиганинг биринчи рақамли жамоаси олий лига сафига қўшилиши керак.

Хуллас, тез орада бошланадиган янги мавсумда Аҳрол Иноятов шогирдлари олий лигада тўп суради. Дарвоқе, бундай имтиёздан «Сурхон» аввал ҳам икки марта фойдаланган, бироқ натижа муваффақият билан якун топмаган эди. Хўш, «Сурхон»нинг учинчи қайтиши қандай тугаркан?

### КЛИЧКОНИНГ 31-ҒАЛАБАСИ

Ўтган шанба куни Германиянинг Брауншвейг шаҳрида профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича оғир вазнли «чарм қўлқоп» усталари украиналик Виталий Кличко ва АҚШлик Вон Бин ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Рақибига нисбатан 20 сантиметр баланд ва 12 килограмм оғирроқ бўлган Кличко беллашувнинг 11-раундида техник нокаут билан ғалабага эришди.

Шундай қилиб, профессионал боксдаги 32 та «жанг»идан 31 тасида зафар қучган Виталий Кличко Леннокс Льюис ва Майк Тайсон учрашувининг ғолиби билан беллашиш имкониятига эга бўлди.

### МОТОЦИКЛНИ КЎТАРГАН ЎСМИР

Иштирокчиларининг кўриниши ва қонун-қоидалари билан кўпчиликни ажаблантирадиган, баъзан жилмайишга мажбур этадиган сумо спорт турининг Россиядаги ягона вакили Анатолий Михахановни Японияда жуда яхши билишади. Кунчиқар юртнинг «Китаноуми бэя» клубида маҳоратини ошираётган 18 ёшли ўсмир айни кунларда Оорора Мизуки номи билан учрашувларда қатнашяпти, рейтингда эса 35-ўринни эгаллаб турибди. А.Михаханов мураббийларининг фикрича, ёш сумочининг ёрқин ғалабалари ҳали олдинда. Зеро, у болалик чоғлариданоқ ўз иқтидорини намойиш этган ва японялик селекционерлар назарига тушган эди. Яъни, Анатолий уч ёшида 40 литр сиғимдаги сув билан тўлдирилган идишни бемалол кўтара олар, 15 ёшида эса кажавали «Урал» мотоциклидан штанга ўрнида фойдаланарди. Айтгандек, алпкелбат сумочи ўз вазнини тез орада 350 килограммга етказиш ниятида.

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда*

# ЛИЦЕЙДАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА

Мамлакатимизда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва уни билимдон кадрлар билан таъминлаш, молиявий, моддий шароитларини яхшилашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида иқтидорли ёшларга чуқурлаштирилган билим бериш учун 1993 йил октябрида Косон туманида Қарши Давлат университети ва Муҳандислик иқтисодиёти институти билан ҳамкорликда ишлайдиган лицей-интернат ташкил этилди.

Ҳар бир янгиликнинг машаққатлари бўлади, албатта. Лицей-интернат ишини йўлга қўйиш осон кечмади. Кўп елиб-югуришга тўғри келди. Натижада аҳил педагогик жамоа шаклланди, замон талабига жавоб бера оладиган моддий-техника базаси вужудга келди. Таълим-тарбия савиясини ошириш, ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашнинг аниқ дастури ишлаб чиқилди.

Лицейда доимий ҳаракатдаги «Истеъдод маркази» фаолият кўрсатаяпти. Марказ битирувчи ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларига қараб уларни тест синовларига тайёрлайди. Бу хайрли ишдан бошқа мактабларнинг ўқувчилари ҳам фойдаланаётгани эса, унинг нақадар аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради.

Ўтган даврда лицей-интернатни битирган 582 нафар ўқувчиларнинг 477 таси университет ва институтларга, қолган 105 нафари эса ўрта-махсус ўқув юртларига ўқишга кирди. Собиқ талабалардан 300 нафари вилоят халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилмоқда.

Айни кунда лицейда республиканинг турли вилоятларидан келган 437 нафар иқтидорли ёшлари таълим-тарбия олаяпти.

Лицей-интернатда 39 та компьютер, 2 та лингафон, 20 та фан кабинетлари, спорт мажмуаси, 120 ўринли ётоқхона тарбияланувчилар хизматида. Ошхонада эса ўқувчиларга ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат тайёрлаб берилаяпти.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, илмгоҳ қошида хўжалик ҳисобидаги кўп тармоқли кичик корхонага 26 гектар тажриба майдони ажратилган. Корхонада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, тикувчилик, каштачилик, коммунал-маиший хизмат турлари бўйича 20 кишига доимий, 50-60 кишига мавсумий иш ўринлари яратилган.

Кези келганда, бюджетдан ташқари маблағ топиш соҳасидаги тажрибалар вилоят бўйича ўрганилиб, семинар-кенгаш ўтказилганлигини таъкидлашни истардим. Изланишлар самараси туфайли ҳар йили бюджетдан ташқари 8 миллион сўм маблағ ишлаб топилмоқда. 30 тонна пахта, 17 тонна сабзавот, 5 тонна мева, 2 тонна дон, 2,2 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Бундан ташқари, Косон шаҳрида «Гўзаллик салони», нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех очилган. Ўқувчиларга тикувчилик, миллий зардўзлик ва каштачилик ҳунарлари ҳам ўргатилаяпти. Олинган даромаддан иқтидорли ўқувчилар ва ташаббускор ўқитувчилар рағбатлантириб борилади.

Лицей-интернат шаҳардаги 2 та болалар боғчасини ўз оталиғига олган. Бу муассасаларни капитал ва жорий таъмирлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатилаяпти.

Ўқув муассасасини битирган кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларидан 5 нафари тўлов контракт шартномалари асосида олий ўқув юртларида таълим олди. Уларга 600 минг сўм маблағ сарфланди. Собиқ ўқувчилардан Адҳам Дўстёров, Гулмира Раҳмонова, Равшан Хушвақтов, Ойгул Авезова кабилар лицей ҳисобидан олий ўқув юртларини битириб, ўз жамоаларига қайтиб келдилар.

Бундан ташқари, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам эътиборда. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар 50 фоиз арзонлаштирилган нархда ишчи-хизматчиларга берилади. Ўқитувчиларга 2 тонна ўсимлик ёғи, 40 тонна аралаш ем тарқатилди.

Лицей-интернатда ўз-ўзини бошқариш тизими жорий этилган. Тасдиқланган низом асосида 8 та бошқарув гуруҳи тузилган бўлиб, уларда 85 нафар ўқувчи қатнашади. Ўқув жараёни, ётоқхона, ошхона ва спорт иншоотларига раҳбарлик иши тарбияланувчилар томонидан амалга оширилади. Гуруҳ раҳбарлари ҳар ҳафтада бир марта директорга ҳисоб бериб борадилар.

Ҳафтанинг ҳар жумаси «Маънавият ва маърифат куни» деб эълон қилинган. Ҳар хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, миллий истиқлол мафкурасини ўрганиш, ёшларни Ватанга, мустақилликка садоқат руҳида тарбиялаш жамоанинг асосий ишига айланган.

**Зайнаб ДЎСТЁРОВА,**
**Косон туманидаги лицей-интернат директори.**

*Биласизми?*

### ҚОРА КЎЗОЙНАК

Қора кўзойнак тақиш қачондан расм бўлганини биласизми? Археологлар Миср Араб Республикасидаги фиръавн Тутанхамон мақбарасини тадқиқ қилиш жараёнида бу саволга ойдинлик киритишгандай бўлди.

3.300 йиллик тарихга эга бўлган бу кўзойнакни мутахассислар Лондондаги музей экспонатига қўйишган. Ойнакнинг шишаси жигар ранг бўлиб, гардиши бронзадан ишланган.

«Нозик-нон» масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосланган ҳолда ўзининг устав фондини камайтириши ҳақида **маълум қилади.**

Шикоятлар эълон чиққандан кейин бир ой муҳлат ичида **118-21-15** телефони орқали **қабул қилинади.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6